АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан бошлаб чиқа бошлаган

1995 йил, 10 июнь, № 10
Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Литвага сафарининг иккинчи куни мамлакатдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов Болтиқбўйи мамлакати ишбилармонларига Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўзлади. Уларни ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисса қўшишга даъват этди. Литвалик тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Республикамиз Президенти Вильнюс шаҳридаги «Аудеяс» Гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Сейми раиси Чесловас Юршенас билан учрашди. Мулоқот ниҳоясида Ислом Каримов фахрий меҳмонлар китобига эзгу тилаклар билдирилган дастхат қолдирди.

Ташриф ниҳоясида Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Сарой майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Литва мадҳиялари янгради.

Президент Ислом Каримов шу куни Вильнюсдан Тошкентга жўнаб кетди. Вильнюс халқаро аэропортида республикамиз Президентини Литва Бош вазири А. Шлежявичюс, ташқи ишлар вазири П. Гилис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вильнюсдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Буломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲУСАНХЎЖАЕВ САИД АҲМАДНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 8 июнь.

Ёзувчи Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан берилаётган материални газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

Бугун далаларнинг файзи ўзгача. Азамат деҳқоннинг қалб қўри, дил меҳри ила етиштирилган бўлиқ бошоқлар кенг бугдойзорларда тўлқиндек мавжланади. Ҳамма ерда ўрим-йиғим ишлари авжи паллага чиққан, етиштирилган галла ҳосили жадаллик билан йиғиштириб олинмоқда. Бу ишларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба фермер хўжаликлар уюшмасининг ишчан жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда. Уюшма аъзолари бу йил 1700 гектар майдонга дон экишиб, бугдой етиштиришган. Эндиликда бу ерда ҳосил йиғими тез ва соз олиб борилмоқда.

Суратда: тажрибали комбайнчи Усмон Бурҳонов бу йил 150 гектар майдондаги галлани йиғиштириб олиш иштиёқида қизғин меҳнат қилмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ:
Ким ҳақу, ким ноҳақ?
3-БЕТ:
Ўткир Ҳошимов. Ҳангомалар.
4-БЕТ:
Ҳажвия. Фельетон. Суд очерки.

• Партия ахбороти

ЭЛЧИ БИЛАН МУЛОҚОТ

8 июнь куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Филип Филиппович Сидорский қабул қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев жаноб элчига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Ўз навбатида Филип Филиппович Сидорский ҳам Россия Федерациясидаги кўппартиявийлик ва уларнинг бугунги кунда олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Элчи жаноблари ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳам янада ривожланади, деб умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси билан Россиядаги партиялар ўртасида алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажрибалар алмашиш лозимлиги таъкидланди.

Дўстона вазиятда ўтган бу учрашувда Ўзбекистондаги Россия элчихонасининг маслаҳатчиси Юрий Львович Асатуров иштирок этди.

ҲУҚУҚСИЗ АДОЛАТ, АДОЛАТСИЗ ҲУҚУҚ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг котиби Ҳалим Бобоев билан мулоқот

• Ҳалим Бобоев 1942 йил Бекобод шаҳрида туғилган. 1970 йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Кўп йиллардан буён республикада ҳуқуқшунослик фанининг ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳалим Бобоев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори. Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

«Адолат» социал-демократик партиясининг 1995 йил 18 февралда бўлиб ўтган қурилтойида мазкур партия Сиёсий Кенгашининг котиби этиб сайланган.

— Ҳалим Бобоевич, мамлакатимиз сиёсий харитасида пайдо бўлаётган кўппартиявийликни ҳуқуқшунос олим сифатида қандай баҳолайсиз?

— Очиғини айтиш керак, кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига демократик принциплар кириб келмоқда. Чунки биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун курашяпмиз. Кўппартиявийлик ана шу демократиянинг бир кўринишидир. Кўппартиявийлик асосан Европада тараққий этган. Улар ўз Дастурларига кўра жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиб келадилар. Айниқса, давлат бошқаруви ишларида фаол қатнашадилар. Партиялар сайлов вақтларида қонун чиқарувчи органпарламентда ўз вакиллари, яъни фракциялари орқали давлат девонига кириб борадилар. Мана, масалан, Америкада иккита йирик партия бор. Улар, яъни ўша мамлакатда фаолият кўрсатаётган мамлакат парламентида мавжуд қонунларга хилоф бўлмаган ҳолда иш олиб боришлари керак. У партия қандай бўлишидан қатъий назар, энг аввал халқ манфаатини, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши шарт.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, кўппартиявийлик мавжуд, демократик принциплар қарор топган давлатда давлатни бошқариш ишлари демократик йўлдан ана шундай кетаётганини кўрамиз. Шу сабабли ўзимизнинг сиёсий тизимимизда ҳам Олий Мажлисга ва маҳаллий идораларга сайловлар ўтказишда тобора кўппартиявийликка асосланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Муқобиллик асосида давлатни бошқариш бу синовдан ўтган энг халқчил принциплардан биридир. Конституциямизда белгиланганидек, республикамизда ҳурфикрлилик қарор топди. Ёш мустақил давлатимизнинг ҳаётига демократик принциплар энди кириб келмоқда. Айниқса, фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ўстириш, шакланти-риш, тарбиялаш босқичма-босқич амалга ошириб борилади. Мустақил республикамиз учун кўппартиявийлик зарур эди. Биз бир ёқдан бош чиқариб, Президентимизнинг одил сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда иш олиб борсак, ривожланган буюк давлат даражасига кўтарила оламиз. Бизнинг партиямиз ҳамиша адолатли сиёсат тарафдори ва биз ҳар доим инсоний ғояларни, адолатни ҳимоя қиламиз. Шунинг учун ҳам партиямизнинг мақсади — келажакда Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини яратишдек эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

— Партиянинг ғоялари, мақсад ва вазифалари хусусида ҳам тўхталсангиз?

— «Адолат» социал-демократик партияси ҳақиқат ва тинчлик ғояларига асосланган партиядир. Биз ўз Дастуримиз бошида шундай сўзларни ёзиб қўйганми: «Инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик»

Халқимизнинг ҳуқуқий, сиёсий онгини ўстириш, ижтимоий адолатли жамият сари бориш бизнинг асосий принципимиздир. Ҳар қандай сиёсий ёхуд ижтимоий масалани тинч йўл билан ҳал қилиш партиямизнинг бош мезони. Аввало биз ўз номимиз билан адолатни ҳимоя қилишимиз керак. Фуқароларга, етимесирларга, бева-бечораларга адолат кўзи билан қараб, уларга ёрдам бермоғимиз шарт. Бир нарсани очиқ айтишим керак, бизда ҳали турғунлик даврининг асорати — бюрократизм сақланиб қолган. Хозир ҳам баъзи туманлардаги раҳбарлар оддий халққа тўраларча муносабатда бўлишади. Халқимиз манфаатини кўзлаб иш кўриш — бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиб қолаверади. Зеро, эзгулиқнинг кечи йўқ, яъни халқимиз фаровонлиги, осойишталиги йўлида, жамиятимизда ҳуқуқий демократик принципларни қарор топтириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, деб ўйлайман. Ташқи сиёсатда эса давлатнинг халқлар ўртасидаги биродарлик, тинчлик, ҳамкорлик ғоясини қўллаб-қувватлайди ва илгари суради. Шунингдек, қонуннинг устиворлигини таъминлашга кўмаклашади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини жадаллаштириш тарафдоримиз. Жиноятчиликка, айниқса, уюшган жиноятчиликка нисбатан аёвсиз курашамиз. Давлатнинг мудофаа қудратини кучайтиришга даъват этамиз. Халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини ошириш айниқса маърифат, маориф ва маданият ишларини тубдан яхшилаш тарафдоримиз. Истиқболдаги вазифалардан энг асосийси — Ўзбекистон давлатини ривожланган малакатлар даражасига кўтаришга муносиб ҳисса қўшиш. Туркийзабон халқлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳам бурчимиздир. Партиямиз улар ўртасидаги ҳуқуқий, маърифий, маданий ишлари ҳамда барча Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқаро ҳуқуқ шартномалари асосида миллий маданиятни камситмаган ҳолда муносабатларнинг ривожланиши учун курашади. Ўзбекистонда илм-фан тараққиётини, маданиятини юксак даражага кўтариш ҳам бизнинг дастуримизга кирган.

— Ҳар қандай партиянинг асосий кучини энг аввало, унинг аъзолари сони белгилайди...

— Сон ва сифат масаласини бир ёқлама ҳал қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман. Фикримизча, аввало сифатга эътибор бериш керак. Эътиқодли, мустақил фикр юрита оладиган, ватанпарвар, тинчликсевар, жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлган инсонларни «Адолат» партияси сафида бўлишини истайман. Биз келажакда ана шу принципларга асосланган ҳолда сонни ўстириш билан бир қаторда сифатини ошириш борасида сафимизни кенгайтирамиз.

— Ҳозирги шароитда «Адолат»нинг таянч нуқталари ҳисобланмиш жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг фаолияти қандай кечяпти?

— Тўғри, партиянинг асосий таянч нуқталари унинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги ташкилотлари ҳисобланади. Партиямиз мазҳабидан, миллатидан ва динидан қатъий назар мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини ўз атрофига бирлаштиради. Сафларимизни мустаҳкамлашда жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ўзининг ташкилий ишларини олиб бормоқдалар. Вилоят Кенгашлари тузиб бўлинди. Хозирда шаҳар, туман Кенгашларини тузиш бошлаб юборилди. Жойларда маҳаллий ҳокимият ва кенг жамоатчилик бу ишларда ёрдамлашаётганидан мамнунмиз.

— Маълумки, ҳар бир партия ўз нашрига эга бўлиши табиий. Шу маънода «Адолат» социал-демократик партиясининг Бош нашри — «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам чоп этила бошланди. Сиз газета саҳифаларида қандай мавзулар ёритилишини истайсиз?

— Бугунги кунда бизга олга силжишимизга нима ҳалақит бераяпти? Аввало, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқсиз адолат бўлмаганидек, адолатсиз ҳуқуқ ҳам бўлмайди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришимиз керак. Халқ мулкига кўз олайтираётганларни газета саҳифаларида аямай фош қилиш, шунингдек, миллий тарихимизни, маданиятимизни, маънавиятимизни ёритиб бориш ҳам зарур, деб ўйлайман. Чунки ўтмишни билмаган халқнинг, келажаги ҳам бўлмайди. Яна менинг назаримда бугунги кунда газеталар ўз саҳифаларидан турмушимиздаги асосий муаммоларга кенг ўрин берса, уларни ҳал этиш учун ўз ҳиссасини қўшса, деган ният бор. Иккинчи томондан, илғор ғояларни, ҳаракатларни ва тажрибаларни ёритиш зарур. Бир сўз билан айтганда, газеталар ҳаётимизнинг чинаккам кўзгусига айланиши шарт. Биз ана шу кўзгуда ҳар куни, ҳар лаҳза ўзимизни кўриб турайлик. Аммо ойнадан ўпкаламайлик. Кўзгуга қараб пардоз қилинганидек, ўз камчиликларимизни кўриб, билиб, тезроқ тузатайлик. Хусусан, «Адолат» бугунги ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларга тўсқинлик қилаётган кучларни фош қилса, нур устига аъло нур бўлади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётидаги тажрибаларини ёритиб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

Озода БЕКМУРОДОВА суҳбатлашди.

• Муаммо счимини кутади

КАШФИЁТГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

• Ўзбек кимёгарларининг яна бир кашфиёти.
• Бутун дунё олимлари боҳ қотирмоқда.
• Давлат аҳамиятига молик, аммо...
• Буёғи энди нима бўлади?

Одатдагидек табрик сўзлари янгради, янгиликни дарҳол жорий этишга даъватлар эшитилди, бу янгилик шаҳарларнинг экология вазиятини соғломлаштирибгина қолмай, иқтисодий самара ҳам бериши тўғрисида гапирилди...

... Кимё фанлари номзоди Маҳмуд Яминов ҳамкасбларини ўз кашфиётидан хабардор қилган пайтда ана шундай хитоблар янграган эди. У раҳбарлик қилган ташаббускор гуруҳ аслида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг органик чиқитларидан фойдаланишнинг янги технологиясини ишлаб чиққан эди. Бу технология ёрдамида атроф-муҳитни саноат корхоналари, паррандачилик фабрикалари, чорвачилик фермалари, шаҳар оқавалари ва рўзғор чиқитларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш муаммоси ҳар томонлама ҳал этилади, тозалаш иншоотлари иши камаяди, бундай иншоотларни қуриш эҳтиёжи ҳам қисқаради.

Бу муаммони ҳал этиш устида бутун дунё олимлари бош қотирмоқда!

Орадан уч ярим йил ўтди. Кашфиёт муаллифи шу йиллар давомида органик чиқитлардан фойдаланишнинг янги имкониятларини қидириб, ишни давом эттирди. Биз билан суҳбатда у дастлаб ҳамма иш кўнгилдагидек бўлганини, ғояни ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти қўллаб-қувватлаганини, «Биос» маркази билан биргаликда «Унумдорлик» корпорацияси тузилганини сўзлаб берди. Янгийўл туманидаги паррандачилик фабрикаларидан бирида саонат йўли билан биогумус олиш технологияси пухталаштирилаётган пайтда 500 тоннадан ортиқ жуда яхши самара берадиган ўғит ишлаб чиқарилган, бу ўғит дала шароитида синовдан муваффақиятли ўтган...

Аммо, шу билан ҳамма иш тугаган. Бозор муносабатлари туфайли ва бозор учун барпо этилган ҳамда долзарб муаммони ҳал этиши лозим бўлган корпорация айрим хўжалик корхона раҳбарларининг лоқайдлигига дуч келади. Улар учун айни шу дақиқадаги манфаатлар истиқболдан муҳимроқдир. Ҳолбуки, чиқитлар ва ахлатлар тоғ бўлиб кетмоқда, экология вазияти ёмонлашмоқда.

Олим таклиф этган технология нимага аосланган? Буни технологияни ишлаб чиққан ходимлар яхши билишади. Бу уларнинг сири. Аммо, бу технологиядан фойдаланиш амалда қандай самара беришини барчанинг эсига солиб қўйиш ортиқчалик қилмайди. Органик чиқитлардан фойдаланиш, улардан олинадиган, ҳар қандай ернинг унумдорлигини ошириш учун ишлатиладиган юқори сифатли органик ўғит атроф-муҳитни соғломлаштиришга имкон беради. Энг муҳими эса, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, уларнинг тозалиги ва сифатини оширади. Яхши маҳсулот эвазига яхшигина, ҳатто валюта билан фойда олиш мумкин.

Бунинг устига, республикада ерларнинг ҳолати, ўғитдан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Тупроқ таркибини яхшилаш тўғрисида жон куйдириб, мўл ҳосил етиштиришга эўр бериш оқибатида ундаги гумус камайиб кетди, тупроқнинг таркиби ёмонлашди. Оқибатда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги анча камайди, муҳсулот сифати пасайди. Деҳқонлар ҳосил камаймаслиги учун экинларни кимёвий минерал ўғитлар билан тўйдиришга ҳаракат қилишмоқда. Бироқ, ўсимликлар тупроқдан оладиган табиий минерал ва органик моддаларнинг ўрни тўлдирилмай қолмоқда. Минг йиллардан буён маълум бўлган усуллар янги усул сифатида тавсия қилинмоқда: «Биз фақат маҳалий органик ўғит соламиз, кимёвий ўғитларга қаршимиз». Бир томондан қараганда, шундай қилиниши мақтовга лойиқ ҳолга ўшаб куринади. Лекин, масалани чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, республикада органик ўғитларни тўплаш, сақлаш ва қўлланиш қониқарли эмас. Ҳамма иллат шундаки, чорва моллари ва парранда боқилаётган фермаларнинг чиқитлари амалда зарарсизлантирилмайди, қандай ҳолда бўлса, шу ҳолича тупроққа солинади. Бу чиқитлар сув ҳавзаларини ҳам, ҳавони ҳам булғатмоқда.

Ёки саноат корхоналарини олиб кўрайлик. Органик чиқитлар тўпланиб қолиши оқибатида санитария-гигиена вазияти ёмонлашмоқда, турли касалликларнинг доимий манбаи пайдо бўлмоқда. Ана шу жуда кўп миқдордаги чиқитлар ахлат тўкадиган жойларда тўпланиб қолмоқда. Уларни камайтириш учун ёқиб юборишяпти, кўмиб ташлашяпти. Республикада чиқитлардан фойдаланишнинг турли усуллари ишлаб чиқилмоқда. Лекин бу технологиялар жуда кўп энергия ва материал сарфлашни талаб қилади, олинадиган маҳсулотнинг сифати эса пастлигича қолмоқда.

М. Яминов гуруҳи нимани таклиф қилмоқда? Кимёгарлар оддий машина-ускуналар ёрдамида органик чиқитлардан сақлаш ва ташиш учун қулай бўлган, ҳидсиз, бегона ўтларнинг уруғи қолмаган, ўсимликлар учун зарур элементларга бой, кўпчиган ва сочилиб кетадиган модда олишади. Бу биогумсда қайси турдаги чиқитлар қайта ишланганига қараб 5 фоизгача азот, 4 фоиз фосфор, 4,5 фоиз калий, 50 фоизгача органик модда бўлади. Фойдали моддалар миқдори жиҳатидан ўғитнинг бу тури «соф» гўнгдан устун туради. Олимлар таклиф этган технология асосида олинган ўғит намуналаридан 27 фоизгача гумус бор.

— Республикамизда 60 дан ортиқ паррандачилик фабрикаси, 26 та чўчқачилик фермаси, 29 та йирик саноат чорвачилик мажмуи, 116 та бўрдоқичилик корхоналари, минглаб фермалар бор, — дейди кашфёт муаллифи. — Буларнинг ҳаммаси сув билан ювиб тозаланади, чиқитлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш тўғрисида эса ўйлаб кўрилмайди. Биз таклиф этаётган технология асосида фақат Тошкент, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳозир беш миллион тоннага яқин биогумс олиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган. Дарвоқе, Орол минтақаси учун бундай ўғит ҳақиқий ёрдам бўлган бўлур эди.

... Муаллифлар ўз технологиясини зўрлаб тиқиштираётгани йўқ. Улар фақат хўжалик ходимларининг, мутахассисларнинг, жамоатчиликнинг эътиборини шу технологияга жалб этишмоқчи. Бу давлат аҳамиятга молик масаладир. Холисона баҳо берадиган бўлсак, ҳозирча ҳеч ким улар таклиф қилаётган усулни рад этиш ёки яхшироқ усулни таклиф этишга қодир эмас. Тадқиқотчилар экология, одамларнинг саломатлиги яхшиланиши учун, экинзорларимизнинг унумдорлигини ошириш, рақобат бардошли, соф озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун жойларда чиқитларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этиш зарурлигига амин. Республика миқёсида органик моддалардан фойдаланиш усуллари ва технологияларни такомиллаштириш учун илмий, ташкилий ва техникавий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Ўзбек кимёгарларининг кашфиётлари бу ишга асос солди.

Хўш, бу ёғи энди нима бўлади?

Пўлат НИШОНОВ.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияниг «Мицубиси корпорейшн» компанияси деректорлар кенгаши раиси Синроку Морахаси бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига роя этилиши комиссиясини тузиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида» қарор чиқарди.

* * *

• 3 июнь куни Тошкентда вилоят ҳокимлари, алоқадор вазирлик, корпорация, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирокида ғалла ўрими масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

* * *

• Шу куни Тошкентда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг таъсис қурилтойи бўлди. Азизхон Қаюмов мазкур партия марказий ҳайъатининг раиси этиб сайланди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси лойиҳаси тўғрисида» қарор қабул қилди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Меҳнат шуҳрати», «Шон-шараф» орденларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Орденларнинг эскизи, тавсифи ва орденлар ҳақидаги низом лойиҳалари халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

* * *

• Ўзбекистон — Хитой савдо иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг илк мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазири ёрдамчиси Лю Сяндун бошчилигидаги делегация аъзолари 8 июнь куни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлдилар.

* * *

• Марказий банк 1995 йил 9 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйдаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари - 28, 70 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28, 70 сўм.

* * *

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, шунингдек, Тошкент ва Ўрта Осиё рус православ черкови Епархиясининг миллатлараро тинчликни, фуқаролар тотувлиги ва мамлакатимиздаги турли динларга эътиқод қилувчилар дўстлигини мустаҳкамлашдаги мавқеини юқори баҳолаб, фармойиш қабул қилди.

Партия ва ҳаёт

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Азимова Мукаррамхон Аҳадовна, 1952 йилда туғилган. ТошДДнинг роман-герман тиллари куллиётининг инглиз тили бўлимини, 1980 йилда эса Тошкент юридик институтини тамомлаган. 17 йилдан буён «Файз» ёғочсозлик ва мебель ишлаб чиқариш корхонасида хизмат қилади. Айни пайтда шу корхона ҳиссадорлик жамиятининг раиси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси.

— Мукаррамхон опа, айтингчи, сиз нима учун айнан шу партияга аъзо бўлдингиз?

— Аввало, ҳар бир партиянинг халқ манфаати йўлида олдига қўйган эзгу мақсадлари бўлади. «Адолат» социал-демократик партиясининг «Инсонпарварлик, тотувлик, биродарлик, поклик, ҳалоллик!» шиори менга жуда ҳам маъқул. Мен айнан бизнинг жамиятда шу шиор ҳар бир кишининг қалбига сингишини истайман. Шу боисдан ҳам мен бу партияга аъзо бўлдим. Янги партия Дастуридаги фикрлар кўнглимдаги орзуларим бўлганлиги учун ҳам шу партия сафида туриб халқимга, Ватанга эзгулик ва келажак учун хизмат қилишни мақсад қилиб қўйдим.

— Мамлакатимизда демократик принциплар қарор топмоқда. Кўппартиявийликнинг шакллана ётганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Шу нуқтаи-назардан олганда, сиз кўппартиявийлик масаласига қандай қарайсиз?

— Назаримда, кўппартиявийлик жамият ривожида муҳим ўрин тутади. Уларнинг ўз Низом ва Дастурлари бўйича олиб бораётган ишлари фақат Ватан, халқ миллат равнақи учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

Биз айнан ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун қурашаётган эканмиз, кўппартиявийлик, ҳурфикрлилик унинг дастлабки дадил босқичининг меваларидир.

— «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг аъзоси сифатида партиянинг келажагини қандай тасаввур қиласиз, тўғрироғи, унинг қандай бўлишини истайсиз?

— Ҳеч бир муболағасиз партиянинг келажаги порлоқ деб айта оламан. Унинг сафлари кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, раҳбар ходимлар ўз жамоаларида кўпинча, намуна вазифасини ҳам ўтайдилар. Корхонада иш юритишда, одамлар билан муомалада, муносабатда яхши кўрсаткичга эришиши уларнинг ҳурмат-эътиборини янада оширади. Мен ҳизмат қилаётган жамоада ҳам партиямиз сафига кирувчилар сони кун сайин кўпаймоқда. Йўқ, бунда мени тарғиботчилик ишлари билан шуғулланаётган экан, деб ўйламанг. Уларнинг ўзлари «Адолат» партияси Дастури ва Низоми билан танишишгач, худди шу партияга кирамиз деб келмоқдалар.

«Адолат» социал-демократик партияси жамиятимизда ижтимоий адолат мезонини ҳимоя қилади, демократик одил жамият қуришга ёрдамлашади. Муҳими, мен ўз партиямизни республикамиз мустақиллигининг мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишига тилакдошман ва ўзим ҳам бундан четда турмай, ҳалол хизмат қиламан.

— Мукаррамхон опа, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳаётимизда бир қанча ўзгаришлар рўй бериб, ҳар бир соҳада, жумладан, иқтисодиётда ҳам янги саҳифалар очилди. Хорижий давлатлар билан алоқаларнинг йўлга қўйилиши, қўшма корхоналарнинг вужудга келиши бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга турли ҳиссадорлик жамиятлари тузилдики, бу бозор иқтисодиётига ўтишда етакчи ва асосий роль ўйнайди, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда сиз ўзингиз раҳбарлик қилаётган ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти ҳақида гапириб бersангиз.

— Ҳа, мамлакатимиз мустақиллиги бизга жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Бизнинг «Файз» ёғочсозлик ва мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятимиз 1990 йилдаёқ иш бошлаб, ўз акцияларини сотувга қўйганди. Бироқ у пайтда собиқ Иттифоқдаври бўлгани учун бизда бунга доир қонунлар йўқ эди ва акцияларни четга сотиш имкони бўлмай, фақат давлатнинг ўзи сотиб олар эди. Бу ишлар давомида ишчиларимиз онгига ўз-ўзидан мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши ҳақидаги фикр сингиб борди ва бу бизга фойда келтирди.

1994 йил октябрь ойидан бошлаб бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиз тузилди ва энди ўз акцияларимизни кенг миқёсда сотишга эга бўлдик. Шу кунга келиб корхонамизнинг 70 фоизи ишчиларимиз мулкига айланди. Акцияларимизнинг 15 фоизини давлат ва шунча қисмини аҳоли сотиб олди.

Ҳозирги дамда биз мулкни бошқа шаклига ўтишнинг биринчи босқичини тўла ўтаб бўлдик.

— Ҳиссадорлик ишларини кўпчилик ҳали унча тушуниб етмаганлиги сабабли корхона акцияларини четга сотишда қийинчиликлар туғилмаяптими?

— Дастлабки пайтда бундай тушунмовчиликлар бўлиши табиий эди. Бу ишларга мутахассисларимизнинг бевосита аралашуви кишиларимизга яхши тушунча беряпти. Лекин бу борада ўзига лойиқ айрим муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни аста-секин ҳал этяпмиз.

— Келинг, суҳбатимизни оила мавзусига кўчирсак. Корхонанинг ўзига хос ташвишлари, юмушлари бор, албатта. Буларнинг барчаси сизнинг зиммангизда. Бунинг устига жамоат ишлари, депутатлик... Хуллас, рўзғор ишларига қандай улгурасиз, ёки...

— Ҳа, кўпчилик мени рўзғор ишларидан чиқиб кетган, деб ўйлашади. Аслида, мен ҳам шарқ аёлиман. Ўқишим тугаши арафасида қишлоққа турмушга чиқдим. Ўз ўрнида келинлик вазифасини ўтадим. Бирин-кетин болаларимиз туғилди. Шунга қарамай кейинроқ Тошкент юридик институтида ўқидим. Турмуш ўртоғим мени яхши тушунадилар. Ўша пайтларда қийналганлигимни кўриб бир оз нороз бўлганлари ҳам рост. Ҳозир худога шукр, болалар катта бўлиб қолди. Ўғлим Шоҳруҳ, қизим Гулруҳ ҳам Тошкент юридик институтида таҳсил оляпти. Турмуш ўртоғим Бахтиёр Азимов «Файз» Ўзбек-Венгер мебель ишлаб чиқариш корхонасини бошқаради.

Рўзғор ишларига келсак аёл киши қаерда ишламасин, ҳамма сини билиши, улгуриши керак. Ҳозирча, ҳеч биридан нолийдиган жойим йўқ.

Бектемир ПИРНАФАСОВ суҳбатлашди.

Ғалла — ризқ-рўзимиз

Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Зомин» ижара ширкатлар бирлашмаси жамоаси ҳам ғалладан мўл ҳосил олиш учун бу йил астойдил меҳнат қилишмоқда. Чунончи, гектаридан 30 центнердан, лалми ғаллазорлардан эса 10 центнердан хирмон барпо этиш уларнинг асл ниятидир.

Суратларда: бирлашма раиси Янгибой Ўсаров, механик Ғойибназар Сафаров, механизаторлар Тошпўлат Бектўраев, Абдуғаффор Сафаровлар ҳамкорлигида ҳосилни кўздан кечиришмоқда; ғаллазорда ўрим-йиғин қизғин.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



Қулайлик

«ЛАЗ» ХИЗМАТИНГИЗДА

Фан ва техниканинг ривожи юқори чўққига чиқаётган ҳозирги даврда трансопортсиз яшаш тарзимизни тасаввур қилиш оғир. Халқ хўжалигининг қон томирига айланган бу соҳага кун сайин талаб ортмоқда. Бу эса автотранспортчилардан хизмат соҳасини такомиллаштириш билан бирга қулайликлар яратишни ҳам талаб этмоқда.

Шу мақсадда Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автотранспорт бирлашмаси украиналик машинасозлар билан шартнома тузди. Львов заводида ишлаб чиқарилган янги транспорт воситаси — «ЛАЗ-695М» русумли чиройли ва қўркам автобуслар Тошкент шаҳри кўчаларида қатнай бошлади. Йўловчилар узоғини яқин қилаётган бу автобус қатор қулайликларга эга. Эндиликда уларнинг 50 таси пойтахтга келтирилиб, маълум йўналишлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Йил охирига қадар бирлашма тасарруфидаги 3,5,12,18,2519-автокорхоналарга яна 100 та шундай автобуслардан келтириш мўлжалланмоқда.

П. Гуломов.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ВОҚЕАЛАР

● Қирғизистон мудофаа вазири генерал-лейтенант Мирзакан Субанов Брюсселга жўнаб кетди, деб хабар қилади мамлакат ҳарбий маҳкамасининг матбуот хизмати. У Брюсселда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо давлатлар вакиллари мажлисида қатнашади.

* * *

● АҚШ конгресси мамлакатда қўпорувчиликка қарши курашни қучайтириш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Қонун чиқарувчилар тартибни сақлаш ташкилотларининг ваколатини кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларни маъқулладилар.

* * *

● АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг Яқин Шарққа навбатдаги сафари бошланди. 6 кун давом этадиган сафар давомида у Исроил, Миср, Сурия ва Иордания давлатлари раҳбарлари, шунингдек, Фаластин озодлик ташкилоти йўлбошчиси Ёсир Арафот билан учрашади.

* * *

● Хитойнинг жанубида жойлашган кимё заводини ишга тушириш пайтида потрлаш юз берди. Натижада 2 киши ҳалок бўлди, 20 нафардан ортиқ киши жароҳатланди. Портлаш юз берган пайтда заводда хорижий мутахассислар ва Хитой ишчилари бўлган эди.

* * *

● Венесуэла Президенти Рафаэл Кальдерининг қариндошларидан бири Уго Чавес яқин орада мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширамиз, дея баёнот берди. Ҳозирги пайтда Боливар инқилоб ҳаракати раҳбари бўлган полковник Уга Чавес 1992 йилда ҳам мамлакатда ҳарбий тўнтариш қилишга уриниб кўрган эди.

* * *

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан телефон орқали суҳбатлашди. Унда АҚШ маъмурияти раҳбари Жўлон тепаликлари масаласида Исроил ва Сурия ўртасида мавжуд келишмовчиликлар тезроқ бартараф этилиши тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади.

* * *

● — Сайёрамизда ядровий хавф бутунлай барҳам топгани йўқ. Бироқ, яхши умидлар туғилмоқда, — деди АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари академияси битирувчилари ҳузурида сўзга чиқиб. — Ядро асри бошланганидан буён илк бор биз Россия ракеталари Американи нишонга олмаган бир шароитда яшаяпмиз. Россия НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол қатнашишга қарор қилди. Бу эса келгуси асрда Европа қитъасида барқарор тинчлик ва бирдамлик ҳукм суришига хизмат қилади.

* * *

● Босния серблари асирга олинган 108 нафар БМТ ҳарбий хизматчиларини озод қилди. Босния серблари БМТнинг тинчликни сақлаш кучлари аскарларини НАТО Серб истеҳкомларига авиация зарбалари бергани учун асирга олган эди.

* * *

● Украина Президенти Леонид Кучма телевидение орқали сўзга чиқиб, яқин орада мамлакатда Президентга ва Олий Кенгашга ишонч билдириш ҳақида умумий сўров ўтказилишини маълум қилди.

Л. Кучма мамлакат Олий Кенгашини Президент ва унинг сафдошлари амалга ошираётган ислоҳатларга тўғаноқ бўлишда айблади.

ПАРИЖ. Эйфель минораси Франция пойтахтининг рамзидир. У асрлар оша инсониятни мафтун этиб келмоқда.

● Алмати шаҳрида нефт маҳсулотлари ҳаражатлари ва савдо устамалари ошганлиги сабабли, нон ва нон маҳсулотлари баҳоси 10 фоизга оширилди. Шундай қилиб, ноннинг нархи уннинг навига қараб, 14 тенгадан 27 тенгагача етди.

* * *

● Тожикистоннинг Кофарниҳон туманида сабзавотни қайта ишлаш корхонаси ишга тушди. Корхонада сабзавотнинг барча турлари консерва қилинади. Шу билан бирга турли шифобахш гиёҳлардан шарбат тайёрланади. Шу йилнинг ўзида харидорларга 2 минг шиша «Тодикамп» шарбати етказиб бериш режалаштирилган.

* * *

● Шу йилнинг 31 майидан 4 июнига қадар Душанбеда «Шарқ болалари дўстлиги» VI халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан бирга Эрон, Покистон, Туркия, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларидан санъаткор болалар қатнашдилар. Фестивал ҳақиқий санъат кўриги ҳамда шарқ болалари дўстлигининг ёрқин намойиши бўлди.

* * *

● Россия Федерацияси Ҳамкорлик вазири В. Серов бошчилигидаги делегация Тожикистонга келди. Улар республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда турли соҳа мутахассислари билан учрашиб, ёнилги-энергетика, иқтисод, молия-кредит ва банк соҳаларида ҳамкорлик, давлатлараро савдо иқтисодий битимларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Музокаралар ниҳоясида ана шу соҳалар бўйича икки давлат ўртасида ҳамда Москва шаҳри билан Душанбе шаҳри, Москва вилояти билан Хатлон вилояти ўртасидаги ўзаро битимлари имзоланиши кўзда тутилган.

Суянч тоғлар

УМРИ АЗИЗ

Шаҳрисабз қадимий ёдгорликлари, табиатининг гўзаллиги билан оғизга тушган. Одамлари оққўнгил, меҳмондўст. Ҳамма ердаги каби бу файзли шаҳарда ҳам пиру бадавлат оилалар кўп. Миракилик Нажмиддин бобо Ҳамидов уларнинг бири. Табаррук отахон умр бўйи ҳалол меҳнат қилди. Узоқ йиллар Китоб ва Шаҳрисабз туманидаги алоқа тармоғига бошчилик қилиб, соҳа ишларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди. Эндиликда у нури дийдаларини боғрига олиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

— Ҳаётимдан нолимайман, — дейди Нажмиддин бобо, тўққиз фарзандим бор. Улар меҳнатсевар, эл ишига қайишган, ғайрат камарини маҳкам боғлаган фарзандлар бўлиб етишди. Катта ўғлим Исомиддин, қизларим — Гулсара, Гулноралар ўқитувчи. Имомиддин, Мажиддин, Абсад, Гулчеҳралар менинг касбимни танлашган — алоқачи. Сирожиддин, Ҳамиджон, Сайфиддинлар эса ҳайдовчи. Ўттиздан ортиқ невара-чеваралларим ёнимда парвона. Шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз яна қалбимиздан жой оляпти. Иймон, инсоф, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка мурувват каби ажойиб фазилатлар янада тўлароқ намоён бўлмоқда.

Нажмиддин бобога қараб ҳавас қиласан, киши. Шунданда келажакка ишонч, умид ортаверади. Бахтимизга суянган тоғларимиз омон бўлишсин. Зеро, кексалари бор юртни ҳеч қачон иймон, диёнат тарк этмайди.

Ғулом ПРИМОВ, «Адолат» мухбири.

Мулоҳаза • Мунозара • Баҳс

КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

ёки кўчада турувчи ДАН ходимлари фаолиятига «чизгилар»

Эрталаб шахсий машинамда хизматга кетаётган эдим. Катта чорраҳалардан бирида ДАН (давлат автомобил назорати) ходими «сеҳрли таёқча» сини мен томонга ўқталиб, тўхташ ишорасини қилди. Нозир эшикни очатуриб, тўхташ жойимиздан узоқ бўлмаган манзилга етиб олишини айтиб машинага ўтирди, гўё худди шундай бўлиши керакдай. Индамадим, ундан орамиздаги вазиятни юмшатадиган сўзлар кутдим, у чурқ этмади. Мен гап бошладим, жаноб нозир, таёқчангизни ишга солмасдан, қўлингизни кўтарсангиз ҳам бўларди-ку! Ундан кейин, мен фалон томонга кетаётган эдим, йўлимиз бир бўлса, ҳамроҳ бўлсак, десангиз чиройли бўларди, дедим. Унинг зардаси қайнаб, мен ахир хизматдаман, хизматдаги милиция ходими истаган машинасини тўхтатиб, ундан фойдаланиши мумкин, бу қонун билан белгиланган, деб гапни чўрт кесди. Мен ҳам бўш келмадим. Сиз айни дақиқада хизматда эмассиз, уйингиздан чиқдингиз, ишга шошиб кетаяпсиз, десам, нозир, мен қаердан чиқиб қаерга кетаётганим билан ишингиз бўлмасин, мен хизматдаман, деб, бир гапни қайтариб тураверди. Нозирга гап уқтириб бўлмасилигини англагач, индамай кетишни ўзимга лойиқ деб топдим. Бирор дақиқа ўтгач, унинг ўзи яна гап бошлади.

— Сиз тассаввур қилинг, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди, ўша жойга ДАН ходими етиб бормаса «ишкал» бўлиши мумкин, ёки кўчаларимиз бўйлаб меҳмонлар сайр қилиб юришибди ва тўсатдан маршрутни ўзгартиришади, биз эса зудлик билан улар борадиган «объект»нинг кўчасини «тозалашимиз» керак, ўшандай пайтда бир кор-ҳол рўй берадиган бўлса, бизга «қаттиқ» гап тегади.

Мен яна давом этдим:

— Айни дақиқада хизмат юзасидан шошилинча ишингиз йўқ, — дея хуллас, унинг уйдан чиқиб хизмат жойига кетаётганини «бўйни»га қўйдим, у эса қулги аралаш мен айтган тахминлар тўғрилигини тан олди.

Ширин сўз билан, илтимос қилиб гапириш қаёқдаю, дўқ-пўписа билан «Мени манзилимга обориб қўй», дейиш қаёқда. Аслида бу мавзу газета саҳифасига олиб чиқишга арзимайдию, лекин қачонгача ДАН ходимлари «осмон» да юрадилар? Менинг «Адолат»да босилган бу фикр-мулоҳазаларимдан кейин ҳайдовчи — ДАН ходими ўртасида муносабатлар яхши бўлиб кетади, деб ҳам айтмоқчи эмасман, фақат бирозгина бўлса-да ўзгаришлар бўлишига умид боғламоқчимн. ДАН раҳбарларига бу ҳақда оғзаки айтсангиз, улар гуруч қурмаксиз бўлмайди, — дейдиларда ходимларининг ёнини олишдан нарига ўтмайдилар. Юқоридаги мисол хусусида фикр юритадиган бўлсак, нима учун ДАН ходимлари хизмат пайтида трамвай, троллейбус ва автобусларга чиқмайдилар, давлат таксиларидан фойдаланмайдилар, ҳар холда мен ДАН нишонини тақкан бирор ходимни жамоат транспортида юрганини кўрмаганман?!

Эшитганим бор, илгари ДАН хизматига, умуман милицияга ходимлар анча сараланиб ишга олинарди, хатто собиқ комсомол, партия, иш жойларидан тавсиялар бериларди. Ёш болалар ҳам милиция кийимидаги кишиларни кўрсалар, ўзларини панароққа олиб, унинг ўтиб кетишини кутиб беркиниб туришарди. Айтмоқчиманки, милиция кийимини кийганларнинг ҳурмати жойида бўларди. Мен бу фикрларим билан ҳозирги кунда бутун бошлиқ милиция, ДАН хизмати ходимларини ёмон отлиққа чиқармоқчи эмасман, улар орасида халқ ҳурматини қозонган, ҳар қанча эътозга лойиқ, хизмат кўрсатганлари кўп. Мен бу гапларим билан ўша «курмаклар»ни тозалаш, илгари ДАН ходимига бўлган ҳурмат, эътиборни тиклаш ғоясини илгари сурмоқчиман. Бунинг учун менимча, биринчи навбатда кадрлар масаласига жиддий эътибор бериш керак. Пойтахт кўчаларидаги, ДАН хизмати ходимларига бир назар ташланг, адашмасам уларнинг ярмидан кўпини 30 ёшга етмаган йигитлар ташкил этади. Улар билан икки оғиз гаплашсангиз, бир зумда уларнинг кимлигини, дунёқараши-ю, ўй-фикр, мақсадларини билиб оласиз. Саволларингизга «Йўл харакати қоидалари»дан бўлак бирор қониқарли жавоб ололмайсиз. Ҳужжат тўлдиришларига бир эътибор беринг, ўзи бор-йўғи уч-тўрт жумла ёзадию, хатолари ёзилган қаторидан икки баробар кўп. Камчилик ҳаммада ҳам бор. Агар ДАН ходими муомаласини ширин қилиб, сизни хавф-хатардан огоҳ этганида, тўғри йўлга солганида унинг камчиликлари кўринмай кетарди.

Яна бир мисол. Катта чорраҳалардан бири. Кечки пайт. «Тўхташ таъқиқланади» белги осилган. Йўл четида иккита шахсий машина тўхтаб турибди. Мен ҳам дўконга кириб чиқиш мақсадида тўхтадим. Машинадан тушмасимдан «Ол машинангни, «ҳайда-ҳайда» деган дағдаралар ёпирилиб ташланди. «Шунда нон олиб чиқай» дедим. «Бу ерда тўхташ мумкин эмас, «ҳайда-ҳайда!», «Мана машиналар турибдику, мен ҳам икки дақиқада дўконга кириб чиқаман». Тортишув бошланди. ДАН ходимининг сенсираб гапириши, қўпол муомаласи ниҳоятда асабимга тегди. Гап қайтариб туришим унинг баттар жазавасини қўзитарди, ҳозир ундай қилиб юборамман, бундай қилиб юборамман дейишлари ортиқчалик қилди. Бу орада катта офицер ҳозир бўлди. Унга кичик ДАН нозири билан биримиз олиб, биримиз қўйиб воқеа тафсилотини тушунтирдик. Адолат мен томонда бўлгани учун кичик ходим секингина биздан узоқлашди. Ёш ходим нари кетгач, катта йигитимиз ёш, хато қилибди, деб унинг ёнини ола бошлади. Баҳслашмайман, ДАН ходимининг меҳнати ҳам оғир. Уларнинг умри кўчада ўтгандан кейин турли вазиятларга дуч келадилар, турли тоифадаги кишилар билан учрашадилар. Қишнинг совуқ кунлари, ёзнинг жазирамасида кун бўйи тик оёқда туриш, албатта оғир. Ўн ҳайдовчи билан ўн хил муомала қилиш керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам ДАН ходими ўзини вазмин, оғир тута билиши керак. Уларда, аксинча ҳолат юз беради. ДАН ходими доим ўзини ҳақ деб, сўзларини исботлашга ҳаракат қилади, ўзини кўчанинг ҳақиқий «хўжайини» деб билади ва шунга яраша ҳайдовчилар билан беэътибор, камситиш назари билан муомалада бўлади.

ДАН ишини яхшилаш юзасидан иккинчи таклифим—ходимларнинг психологиясини ўзгартиришга эришиш керак, менинг гапим тўғри, сен қоидани бузмаганингда мен тўхтатмасдим, деган кайфиятдан воз кечтириш лозим. Ҳайдовчи ҳам ДАН нозири ҳам инсон-ку, ахир, улар бир-бирларини тушунишлари керак. Одамгарчилик, инсоф бобида ёзилмаган қонунлар ҳам борку, ахир! Қолаверса, ДАН ходими фақат жазоловчи эмас, у айни пайтда қонун-қоидани тарғиб қилувчи, хатокамчиликларни кўрсатиб, ҳайдовчиларни тўғри йўлга соладиган киши бўлиши керак.

Шу ўринда яна бир мисол. Баъзи кўчалар бўладики, сиз ундан ойлаб юрмайсиз ва табиийки кўчадаги йўл ҳаракати белгилари ўзгариб туради. Бир куни шундай бўлди. Йўл четида турган дўстимни учратиб қолдим. Тўхтаб ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиб кетдим. 100 метрлар чамаси юрмасимдан, дарахтлар орасидан ДАН ходими чиқиб мени тўхташ мумкин бўлмаган жойда турганим учун жазоламоқчи бўлди. Мен ростданам бу белгини кўрмаганимни, кейинги сафар ҳушёр бўлиб юришимни айтдим. Тавбамга қулоқ солмади ва жазолади. Ваҳоланки, бу воқеада ДАН ходими мени огоҳлантириш билан чегараланиши мумкин эди. Бунга эса унинг «ғурури» йўл қўймади...

Энди масалага бошқача томондан ёндашсак. Нега энди ДАН ходими фақат йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор бўлган ёки шундай ҳолатларни юзага келтирган пиёдаларни жазога тортмайди. Йўлчироқнинг қизил рангида йўлни кесиб ўтаётган ёки пиёдалар ўтиши таъқиқланган жойлардан юрганларга улар индамайдилар, пиёдаларни кўрмагандек бўлиб тураверадилар. Жавоб шу — пиёдалардан жарима ундириб бўлмайди, уларга дўқ-пўписа ўтмайди! Улар ҳар қандай вазиятда ҳам қочиб кетишлари мумкин. Автомобилларда эса давлат рақамлари бор, истаган пайтда уларни топиб олиш ва жазолаш мумкин. Демак, қоидада белгиланганидек, ДАН ходимлари пиёдалар ҳаракатини ҳам жиддий назоратга олишлари керак. Бу эса йўл-транспорт ҳаракатини тартибга келтиришда ўзининг анча ижобий самарасини бериши тайин. Қолаверса, ҳайдовчи билан пиёданинг баббаравар жазоланиши адолат нуқтаи-назаридан тўғри бўларди.

Дарвоқе, адолат ҳақида гап кетганда, яна ДАН ходимларига тааллуқли бир гап. Тасаввур қилингки машина тезликни ошириб келаяпти, ДАН ходими беихтиёр кўчанинг ўртасига чиқиб уни тўхтатмоқчи бўладию, қараса давлат рақами «ноль-ноллар»дан иборат алламбало маркали машина. Ходим ҳеч нарса бўлмагандек мулзам бўлиб изига қайтади. Негадир ДАН ходимлари шундай айрим «эркатой» шахсий машиналарга бефарқ қарайдилар. Буни биз шундай изоҳлашимиз мумкин, бундай машина эгаларидан ҳам жарима ундириб бўлмайди, ёки ДАН ходимлари уларга сўзларини ўтказа олмайдилар...

Фурсати келганда шуни айтмоқчиманки, айрим давлат машиналарининг ҳайдовчилари ҳам йўл ҳаракати қоидаларига беписанд қарайдилар, ДАН ходимлари олдидан «эркаланиб» ўтадилар. Ахир ҳар ким ва ҳар нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан кетаётган эканмиз, у йўл ҳаракати қоидаси бўладими, бошқа қонун, ҳуқуқий ҳужжат бўладими, авлиёси бўлса ҳам унга бўйсуниши шарт! Тегишли қонун-қоидалар ишламас экан, йўл-транспорт ҳодисалари кўпайса-кўпаядики, асло камаймайди. Тартиб-интизом эса кўчадан бошланади. Кўчадаги тартибсизлик албатта, киши кайфиятига, руҳиятига таъсир этади. Озгина асаббузарлик эса йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиши мумкин. Ишда эса меҳнат унумдорлигига таъсир этса, уйда оила хотиржамлигига зиён етказади.

Яна бу хусусда дилда гаплар кўп, сўзни шу ерда мухтасар қилиб, газетхон-ҳайдовчиларга ҳам минбар берсак, улар ҳам йўл ҳаракатини тартибга солиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар деб умид қиламиз.

Аброр ХОН.

Тошкент вилоятининг Бўка туманида фахрийлар доимо эътиборда. Туман марказида барча қулайликларга эга бўлган иккита чойхона доимо улар хизматида. Бироқ нуроний отахонлар ҳам қараб турган эмаслар. Улар бу ерда ёшлар таълим-тарбиясига оид турли тадбирларни ўтказиб, савобли ишларни амалга оширишаяпти.

Суратларда: чойхонада ёшлар гурунги қизғин; чойхонанинг умумий кўриниши.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ ВА СИФАТЛИ

Нукусдаги собиқ тикувчилик-трикотаж фабрикаси — ҳозирги «Ариулар» акционерлик жамияти Қорақалпоғистоннинг тўққизта туманида ва Нукус шаҳрида фирма магазинлари очди. Харидорлар қатталар ва болаларнинг хилма-хил кийимларини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Фирманинг чиройли ва сифатли тикилган маҳсулотларига талаб катта.

«Ариулар» акционерлик жамиятида моҳир усталар меҳнат қилади. Тажрибали бичувчилар ва тикувчилар мамлакатимиздаги ва хориждаги кийим моделларига қараб ишлашмоқда ва айни пайтда кийим тикишда миллий анъаналарни ҳам ҳисобга олишмоқда.

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мамлакат Касаба уюшмалари федерацияси, Миллий тикланиш демократик партияси, «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамда Халқаро спорт рақси федерациясининг Ўзбекистон бўлимига рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни топшириш маросими бўлди. Гувоҳномаларни мазкур жамоат ташкилотлари раҳбарларига Адлия вазири А. Мардиев топширди.

• Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллигига

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲАНГОМАЛАР

САИД ака ўз тенгқурлари билан қайси оҳангда гаплашса, невараси тенги ёшлар билан ҳам шу алфозда суҳбатлашаверади. Шунинг учун ёш қаламкашлар унинг ёнидан аримайди. Саид Аҳмад борган даврага файз кириб, қувноқ кулгига тўлиб кетади. У киши билан кўп сафарларга чиқдик. Ўзбекистоннинг ҳамма чеккасида қадрдонлари бор, десам муболаға бўлмайди.

Андижонда юрганимизда Саид Аҳмад акага айтдим:

— Оқсоқол, илоё мингга киринг-ку, мабодо, вақтиқазо етиб, бизларни ташлаб кетсангиз, сиз ҳақингизда хотира ёзадиганларнинг саноғи бўлмасов...

— Овора бўласан! — деди Оқсоқол кулиб, — биринчидан, мен ҳали-вери ўлмайман. Хотира ёзиш ниятинг бўлса, кечиктирмай ҳозироқ ёзавер. Иккинчидан, ўлганимдан кейин мақтаганингни менга нима кераги бор. Тирилиб келиб ўқирмидим!

...Устозга узоқ умр тилаб, турли сафарлардаги ҳангомаларни қоғозга тушириб қўйгим келди.

* * *



● **НАМАНГАНДА** «Шарқ юлдузи» кунлари утказилаётган эди. Тушда Тўрақўргонда эдик. Бир зум дам олиб, Янгиқўрғонга жўнадик. Йўлда Саид Аҳмад аканинг мазаси қочиб қолди. Ҳамроҳ бўлиб юрган обком вакили шоир Ҳабиб Саъдулла, Умарали Норматов, Носир Фозилов, хуллас, ҳаммамиз қўрқиб кетдик. Манзилга етиб бориш билан оқсоқолни бир хонага ётқизиб, врач чақиришди. Доктор келгунча ёнида утирдик. Оқсоқол ўзи не аҳволда ётибди-ку, ҳазил қилади.

— Мен-ку улсам улиб кетавераман, Узбекистоннинг не-не ғузаллари чирқиллаб қолади: менингдек чиройли, келишган одамни қаёқдан топади?

Ярим соатча утгач, хушрўй врач билан ҳамшира қиз етиб келишди. Чиқиб туришимизни илтимос қилишди. Анчадан кейин врач аёл чиқиб ҳасрат қилди:

— Домла укол қилдирмайман деяптилар... Аҳволлари оғир...

Носир ака билан кирдик.

— Қайсарлик қилманг, битта укол қилса, отдек бўлиб кетасиз...

— Овора бўласан! — деди Саид Аҳмад ака қовоғини солиб.

Кейин Носир акага буюрди:

— Сен чиқиб тур, мана бунга гапим бор.

Носир ака тўнғиллаб чиқиб кетиши билан мени ёнига чақирди.

— Бери кел, — деди овозини пасайтириб. Шивирлаб гапиришдан юрагим така-пука бўлиб кетди. Нима бало, васият қилмоқчими?

Қўрқа-писа бошига эгилдим.

— Дўхтирни кўрдингми болам,— деди пичирлаб. Дўмбоқкина экан.

Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим.

— Бўлди-бўлди, — деди оқсоқол илжайиб, — мезбонлар эшитмасин, кўнглига бошқа гап келади.

Эртасига Саид ака яна давранинг гули бўлиб, ўйнаб-кулиб кетди. Эҳтимол, уша хушчақчақ феъли уни тузатиб юборгандир.

* * *

● **ФАРҒОНАДА** Ғафур Ғулом номидаги жамоа хўжалигида катта учрашув бўлди. Залга одам сиғмай кетган. Биринчи қаторда чол-кампирлар, нарие-ги ёшлар... Негадир асосан аёллар йиғилган. Ҳаммасининг эгнида товланиб турган атлас кўйлак...

Саид Аҳмад ака минбарга чиқиши билан раисга ёпишиб кетди.

— Нима бало, раис бува, колхозингиздаги хотинлар нуқул қиз туғадими? Аъзоларингиздан талай савол тушган экан. Биринчи саволни ўқиди:

— «Келгуси режаларингиз қандай?» — узоқ ўйланиб қолди-да, салмоқланиб жавоб қилди. — Келгуси режам... Шу... Ўйлансам-микан, деб турибман-да! — шундай деб биринчи қаторда, чолнинг ёнида утирган кампирга қаради. — Ҳа, сиз нега дока рўмолингизни у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб узингизга оро берясиз! Мен ўйлансам... (Учтўртта энг юлдуз раққосаларнинг номини санади). Шулардан биттасига ўйланаман. Ҳозирча қайси бирини танлашни билмай турибман!

Қарсаклар зарбидан залнинг шифти қўчиб тушгудек бўлди. Бояги кампирнинг ёнида утирган чол кемшик тишларини кўрсатиб, айниқса, мазза қилиб кулди.

* * *

●**ИЗБОСКАНДА**ги учрашувдан кейин утириш бўлди. Андижонга қайтиб юрмасдан уша ерда қоладиган бўлдик. Мезбонлар бизни меҳмонхонага кузатиб қайтиб кетишди. Шунда аллакимдан Андижонга кетайлик, деган таклиф тушди. Вақт ярим кечадан ошган, машина йўқ.

— Хоҳласанглар, машинани мен топаман! — деди Саид Аҳмад ака.

Кучага чиқдик. Бунақа бетартибликларни унча ёқтирмайдиган Носир Фозилов — тажанг. (Носир аканинг сочи ҳам, ўзи ҳам сариқ. Тез жаҳли чиқади. Аммо ниҳоятда ростгўй, дангалчи одам).

— Қўй, сариқ болам, хуноб бўлма, ҳозир йўлини қиламиз, — деди Саид ака юпатиб. Ниҳоят, «Тез ёрдам» машинаси учради.

— Жон акалар, — деди ҳайдовчи эланиб. — Сизлар учун ҳар қанча хизматга тайёрман. Аммо бу «дежурний» машина, ГАИ тўхтатса, правамни олиб қўяди.

— Ишинг бўлмасин, — деди, Саид Аҳмад ака. — ГАИ тўхтатса, ўзим гаплашаман.

Ҳайдовчи билиб гапирган экан. Шаҳарга кираверишда, чиндан ҳам машинани ДАН ходими тўхтатди.

— Ана, расво бўлдим! — деди ҳайдовчи йиғламсираб.

— Сен жим тур, мелиса билан ўзим гаплашаман. Саид Аҳмад ака машина ёнига келаётган ёшгина лейтенант йигитга пешвоз чиқди. Йигит ҳали гап бошламасдан олдиноқ тўхтатди. — Яқин келма, жон укам, сенга ачиганимдан айтяпман. Бола-чақанг бордир... Бир укам сариқ бўлиб қолди. Ишонмасанг, ўзинг қараб кўр.

Лейтенант иккиланиброқ машина кажавасининг эшигини очди. Сап-сариқ, хира чироқ остида, кушеткада ҳўмрайиб утирган Носир акани кўрди-ю, дарров орқага чекинди.

— Вой-бўй жудаям ўтиб кетганга ўхшайди, тезроқ оборинглар!

...Машина йўлга тушгандан кейин қарасак, Носир ака кушеткага ёнбошлаганча, қорнини ушлаб пиқирлаб кулиб етибди.

***

● **ШОҲИМАРДОНДА** Саид Аҳмад ака, Йўлдош Сулаймон, учовлашиб сайр қилиб юрган эдик. Хира сураткашлар таниб қолиб, шовқин кўтарди: — Қани, ким ёзувчилар билан суратга тушишни хоҳлайди? Кеп қолинглар!

Бирпасда тумонат одам тўпланди. Униси келади, «Домла, биз ҳам тушайлик», дейди, буниси келади, «Энди менинг галим», дейди. Суратга тушиш майлику, борадиган жойимизга кечиқяпмиз... Ярим соат ўтибдики, орадан чиқиб кетолмаймиз. Саид Аҳмад акага қараган эдим, кўз қисиб қўйди-да, сураткашга пул тўлаётган одамларга пуписа қилди.

— Пулни кимга тўлаяпсан, укам?

— Сураткашга, — деди йигит ҳайрон бўлиб.

— Бизнинг ҳақимиз-чи, — Саид Аҳмад ака қошини чимирди. — Манави бола менинг кассирим, — деди Йўлдош Сулаймонга имо қилиб. — Нега анқайиб турибсан? Боягилардан пул олмадингми? Менинг ҳар бир суратга тушишим ўн сўм туради. Қани пулни чўз!

Суратга тушиш ишқибозлари бирпасда сийраклашиб қолди, йўлимизга кетдик.

● Дунёда мазза қилиб кулади-ган одам иккита бўлса, биттаси Йўлдош Сулаймон. Агар битта бўлса, шу одамнинг ўзи! Йўлдош ака «кўп қаватли» қилиб жуда беғубор кулади. «Воҳ-воҳ-во-воо-ох» деб кулганида ҳар қандай «заҳар» одамнинг ҳам чеҳраси очилиб кетади. Ҳатто Саид Аҳмад ака «Мен сенинг қаришингдан қўрқаман, укам, бир кун куламан деб, кучинг етмай қолади-ю, пирт этиб жонинг чиқиб кетади-да, — деб юради.

Айни баҳор кезлари Саид Аҳмад ака, Умарали Норматов ака Сўх қишлоғига бордик. Мезбонлар орасида обком секретари ҳам бор эди. Дастурхон устида Саид Аҳмад ака секретарга қараб жуда жиддий оҳангда гап бошлади:

— Сизлар одамнинг қадрига етмайсизлар..

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. — Манави йигитни танийсиз-а? — деди Саид Аҳмад ака Йўлдош Сулаймонни кўрсатиб.

— Албатта, — секретарь бош иргади. — Йўлдош акани ҳаммамиз яхши кўрамиз.

— Яхши кўрасиз-а, яхши кўрасиз! — Саид Аҳмад ака қовоғни солди. — Шундай бола хор бўлиб юрибди. Ойдек хотини бор, болачақаси бор...

Йўлдош ака содда эмасми, эсанкираб қолди.:

— Унақа деманг устоз, мен яхши юрибман...

— Катталар гаплашаётганда сен аралашмай тур, — Саид Аҳмад ака жеркиб берди.— Яхши юрганмиш! Оладиган юз эллик сўм маоши нима бўларди. Нима, бутун бошли Фарғона вилоятида биттаям мева хўжалиги йўқми?

— Бор, деди секретарь ҳайратланиб. — Бунақа хўжаликлар кўп.

— Уша хўжаликларда мевани чугурчуқдан қўриқлайдиган қоровуллар ҳам бордир, ахир?

— Бор, қоровуллар ҳам кўп.

— Ана, — Саид Аҳмад ака тантана билан қўл силтади. — Узларинг ишнинг кўзини билмайсизлар. Бир хўжаликда ўнта қоровулга ойлик тўлаб утирасизлар. Йўлдош Сулаймоннинг битта ўзи ўнта хўжаликка етади. Бир марта кулса, ўнта хўжаликнинг узумига келган чугурчуқ зада бўлиб, иккинчи йўлламайдиган бўлади.

Секретарь тиззасига уриб хохолаб юборди. Йўлдош ака эса секретарнинг нақ кулоғига эгилиб «вох-во-оох» деган эди, секретарь икки қўллаб қулоғини беркитиб олди.

— Жон ака, — деди ҳамон кулар экан, — жон ака майли, ҳамма хўжаликни сизга берамиз! Илтимос, сал нарироқда кулинг...

***

САИД АҲМАД АКА ЎЗИНИ ЭРМАК қилишни ҳам унутмайди. Кўқонга борганимизда шундай бўлган. Кечқурун меҳмонхонада етиш олдидан оқсоқолдан сурадим.

— Иложи бўлса менга бешолти сўм қарз бериб турсангиз. Чеккароқ дуконларда дуруст нарса топилса, болаларга олиб кетардим.

— Эллик сўмдан ортиқ пулим бўлса, буюрмасин! — деди Саид Аҳмад ака ишонч билан.

Камида минг сўм билан келганини билардим.

— Шу гапингиз гап-а? — дедим. — Эшитдингиз-а, Йўлдош ака. Оқсоқолнинг эллик сўмдан ортиқ пули буюрмайди.

Йўлдош ака шу гапга гувоҳ бўладиган бўлди. Эндигина ечиниб ётган Саид Аҳмад ака ўрнидан туриб шимини қайтадан кия бошлади. «Ҳа!» десак, «Негадир» этим увишиб турибди», деб баҳона қилди.

Эртасига китобхонлар билан учрашув бўлди. Энди шу воқеани ҳикоя қила бошлаган эдим, оқсоқол ўрнидан туриб кетди.

— Шошма, сен эплаб айта олмайсан, — деди. Яхшиси, ўзим гапириб бераман. Бу ярамаслар сафарга чиқса, пул олиб юрмайди. Доим мендан сурайди. Нима, мен дотдомнинг директориманми? Кеча бергим келмади. Билмасдан ўнт ичиб қўйибман. Бу шум кечаси чўнтагимни қоқлаб қўйишдан тоймайди. Шунинг учун шимимни кийиб, пулни чўнтагимга қўлимни тиқиб, уша ёнбошимни ерга босиб ётдим. Эрталаб бир акса урган эдим, оғзимдан жирингг этиб, битта сулкавой отилиб тушди. Ҳар эҳтимолга қарши бир сўмлик танга пулни оғзимга солиб ётган эканман. Эсимдан чиқиб кетибди. Яхшиям акса урганим, худо кўрсатмасин, ҳиқичоқ тортсам борми, лиқ этиб ичимга кетиб қоларди. Ана унда кўрардинг томошани!..

● Луқма

«ҲОКИМ БУВА, СИЗ ҲАМ ФУТБОЛНИ СЕВИНГ-ДА!»

Узун тумани узининг спортчилари билан, айниқса, футболчилари билан эндигина танилиб келаётган эди. Аммо...

Бирдан туманда спорт соҳасига эътибор сусайди. Туман физкультура ва спорт мутасаддиси Зариф Рашидов хуноб:

— Туман ҳокими Эшдавлат Сафаровга ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилдик, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Оқибатда маблаг ва спорт формалари йўқлиги туфайли вилоят биринчилигидаги «Сарбон» командамиз тарқалиб кетди. Командани сақлаб қолиш учун қанчалик уринмайлик, ҳокимиятдагилар қуллаб-қувватлашмади. Йигитларимиздан 6 нафари ҳозир Шўрчининг «Тегирмончи» ва бошқа командаларига ўтиб кетишди.

Футбол бўйича Тоҳир Солиев ва Адҳам Отаҳонов хотираларига бағишланган турнирлар бўлиб ўтди. Бу борада ҳокимиятга қилган мурожаатимиз яна жавобсиз қолди. Йигитлар ва ишқибозларнинг ўзлари пул йиғишиб совринн олдилар. Ахир бунн қандай тушуниш мумкин? Ҳокимиятдаги мутасаддилар ош деса борадилар, спорт деса қочадилар...

Вилоятда ўтказилган бир анжуманда туманда спорт мактаби ташкил қилиш борасида гаплашиб олинган эди. Спорт мактаби Сариосиё тумани ажралиб чиққандан сўнг мазкур туманга қарашли бўлиб қолди. Аммо ҳанузгача спорт мактаби ҳақида ҳокимиятда гап бўлгани йўқ.

«Сарбон» командаси тренери Жамол Жалиловнинг ҳам ҳасратидан чанг чиқади:

— Бизнинг туманимизда Узбекистоннинг энг машҳур футболчилари етишиб чиққанлар, десам муболаға бўлмас. Шароит ва маблаг етишмаслиги туфайли Равшан Бозоров «Пахтакор» (Тошкент)га, Бахтиёр Бозоров, Рустам Асқаров АСК (Термиз)га, Алишер Бозоров МҲСК (Тошкент)га, Элдор Ахтиямов Узбекистон Олимпия терма командасига кетиб қолдилар. Туманда футболга эътибор кучайтирилса, улар жонажон командаларига қайтиб, чиройли ўйин кўрсатиш ниятида эдилар. Аммо...

Узун туманида иккита «Оқ олтин» ва «Олимпиада» замонавий стадионлари мавжуд. «Олимпиада» стадиони вилоятда энг катта стадион саналади. Аммо маблаг йўқлиги ва эътиборсизлик туфайли, стадион анча йилдан бўен ремонталаб бўлиб, ўтлар саргайиб, чанг босиб ётибди. Директори Қудрат Бердиев эса ҳокимиятга қатнайвериб чарчади.

Туман хўжаликларида ҳам шундай аянчли аҳволни кўрасиз. Ҳокимиятда спортни (айниқса, футболни) ривожлантиришга эътибор йўқлиги туфайли Бури Очилдиев номли жамоа хўжалигининг йигитлари, ҳатто тўп тепиш нима эканлигини ҳам билишмайди. Қурбон Яхшибоев (хўжалик фуқароси, футболнинг ашаддий мухлиси) қуйганидан ҳовлимга маккажўхори экиш ўрнига стадион қурмоқчиман, деб ҳазиллашиб ҳам қўяди. Б. Очилдиев жамоа хўжалиги йигитлари мактабининг торгина стадионига ҳам муҳтож...

Энг ёмони, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори Узун туманида мутлоқо бажарилмаяпти. Туман ҳокимлиги бу қарорга панжа орасидан қараб келмоқда. Ваҳоланки, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир ҳудудда замонавий стадионлар бўлиши кераклиги уқтирилган эди.

Узбек футболи жаҳонни лол қолдираётган бир пайтда Узбекистоннинг энг кучли футболчилари тарбиялланган Узун туманидаги бу аҳволдан наҳотки, ҳоким бехабар бўлса?

Дарвоқе, туман ҳокими муовини Муродулла Мирзаев (шу соҳага мутасаддиди) ишни бу даражада ташлаб қўйганлигини кўриб, ажабланасан, киши.

— Ҳоким бува, Сиз ҳам ахир футболни севинг-да!

Ҳикматуллоҳ ҚОДИР,
«Адолат» мухбири.

Ойнаи жаҳонда

(12 — 18 июнь)

ДУШАНБА, 12

УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...».
18.55 «Иқтисодиётимиз таянчи».
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Анъаналар этади давом...» Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Халқ севган адиб». Узбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 «Узбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.15 «Ёшлик» студияси. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 1-қисм.
20.05 «Излаган имкон топади».
20.35 — 22.10 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм.

УзТВ III

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.00 Хабарлар.
13.30 «Дилдаги рус қўшиқлари». В. Девятов.
14.20 «Вилоятдаги ноёб асарлар».
14.50 Телеэкран премьераси. «Ҳамон орзуларим телба». Бадиий фильм.
16.10 «Бола бошидан».
16.40 «Ҳар бир кун байрам».
16.50 «Петерберг мавсумлари».

*

«ОМАД» таништиради:
17.50 — 18.00 Янгиликлар. Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
18.00 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильмлар. 9 ва 10-серия-лар.
18.20 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм», 1975 й.).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 Видео — «О».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Курьер».
22.10 «... яна об-ҳаво ҳақида».
22.20 «Постфактум».
22.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
22.45 Янгиликлар.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Абадий қадриятлар».
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Ҳамшаҳарлар».
20.50 «Ёдингдами, дўстим...»
21.05 «Дўст билан обод уйинг...»
21.35 — 22.35 «Кинотриада».

СЕШАНБА, 13

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
10.15 Немис тили.
10.45 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.15 «Абитуриент-95». Физика.
11.45 Узбек қуйларидан концерт.
12.25 — 12.55 «Тараққиёт».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Кўнгироқча».
18.40 «Оила сабоқлари».
19.05 «Хонадонингиз файзли бўлсин деб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен туғилган тупроқ».
21.50 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
22.35 «Кино усталари». Узбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 «Узбекистон» ахбороти.

УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Қуёш кулиб боққан кун».
19.30 «Ёшлик» студияси. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 2-қисм.
20.25 «Пул қадри».
20.45 Кураш бўйича Узбекистон чемпионати.
21.15 — 22.30 «Шахсий мулоҳаза». Бадиий фильм.

УзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 Баскетбол. МБА чемпионати. Финал. АҚШдан кўрсатилади.

*

«ОМАД» таништиради:
17.15 Янгиликлар.
17.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
17.40 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
17.55 «Тигиз пайт».
18.15 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 6-серия.
19.05 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 Дэвид Копперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 «Теле-ателье-шоу».
22.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.25 «Кинонигоҳ».
00.05 Янгиликлар.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўурлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 Телефильм.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Қалбим қўри».
21.25 — 22.05 «Ширу-шакар» (тожик тилида).

ЧОРШАНБА, 14

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Салом, Гнат!» Бадиий фильм.
9.30 Узбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Абитуриент-95». Математика.
10.30 — 12.30 «Ёшлик» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Талабалар баҳори» фестивали.
19.00 «Мулқдор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 Муқимий номидаги Узбек Давлат мусиқий театри артистларининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Узбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Ҳоразм вилояти.
22.10 «Маданий тараққиёт йўлида».
22.55 «Дилдаги гаплар».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 «Узбекистон» ахбороти.

УзТВ II

18.30 «Хўжа Насриддиннинг 41-пашшаси». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
19.20 «Ҳаракатда баракат».
19.50 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).
20.20 — 21.40 «Кўпик». Бадиий фильм.

УзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 «Янги йўл». Узоқ Шарқ.
16.50 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

*

«ОМАД» таништиради:
17.20 Янгиликлар.
17.25 Мусиқий дастур.

*

«ОСТАНКИНО»
17.55 «Тигиз пайт».
18.15 «Миниатюра».
18.30 «Кинотавр-95» халқаро фестивалининг ёпилиши.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ»:
— Халқаро мусобақалардан репортажлар.
— Етакчи спортчилар билан суҳбат.
— Спорт ҳақида ҳикоялар.
— Ахборот ва эълонлар.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўдўстлар, ҳамкасблар».
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Тошкент оқшомлари».
20.50 — 22.30 «Кинематограф».

ПАЙШАНБА, 15

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Магистраль». Бадиий фильм.
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.50 Шифокор экрани.
10.20 «Абитуриент-95». Она тили ва адабиёт.
10.50 «Ёшлик» студияси. «Баҳс».
11.30 — 13.30 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик оқшоми».
18.50 «Мен ва дунё».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Истиқлол қўшиғи», «Севги рақси». Премьера.
20.15 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.20 «Эзоздаги қўшиқлар».
23.00 «Эрга тегмагиз, қизлар». Бадиий фильм.
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 «Узбекистон» ахбороти.

УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
19.05 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
19.50 Фильм-концерт.
20.20 Р. Муродов, Э. Охунова. «Садоқат достони».
21.05 — 22.20 «Соат 12 да бошлиқ келади». Бадиий фильм.

УзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 «Янги йўл». Челябинск.
16.50 «Менинг урушим».
17.20 «Сизга самимият билан...»

*

«ОМАД» таништиради:
18.05 Янгиликлар.
18.10 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
18.15 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 7-серия.
19.05 «Маҳбубалар». Г. Дали. 2-қисм. Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Омад» тақвими.
20.50 «Кунгил».
20.55 «Жозиба».
21.15 «Бир шингил ҳангома».
21.25 «Ишингиз бароридан келсин».
21.35 «Муҳаббатга ошно қалблар».
21.55 «Теле-ателье-шоу».
22.05 Видео янгиликлари.
22.25 Янгиликлар.
22.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.15 — 00.55 «Кинонигоҳ».

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўурлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 Телефильм.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Қалбим қўри».
21.25 — 22.05 «Ширу-шакар» (тожик тилида).

ЖУМА, 16

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Болалар фронтга жўнадилар». Бадиий фильм.
9.20 Немис тили.
9.50 Янги китоблар.
10.25 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
10.55 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.35 — 12.05 «Диёримни куйлайман». Мусиқий кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Гулгунчалар».
18.40 «Биламиз-у, аммо...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Нома ёздим». Мусиқий кўрсатув.
22.15 «Санъат усталари». Узбекистон халқ артисти Туйчи Орипов.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Узбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Учқун».
19.00 «Оромгоҳлар қўйнида».
19.40 «Самарали изланишлар».
20.20 «Суянч».
20.45 — 22.00 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.

УзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 Жума кунлари Дисней. «Монтекумбе хазинаси». Бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
17.25 Янгиликлар.
17.30 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
17.50 «Бомонд».
18.10 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 8-серия.
19.00 «Муҳжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 «Компьютер-Осиё».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Даракчи».
22.25 Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Салом, Франция!»
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Оқ соя».
20.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.00 — 22.30 «Кинематограф».

ШАНБА, 17

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Севгим менинг, андўҳим менинг». Бадиий фильм.
9.30 «Кино таҳририяти почтасидан».
10.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
10.40 «Аҳвол қандай, чемпион?»
11.10 «Ташвилоятйўловчитранс— халқ хизматида».
11.30 «Туркистон — умумий уйимиз».
12.20 «Билимлар маскани».
12.50 — 14.50 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Дono бобо даврасида».
18.25 «Сирли сандиқ». Телеуйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Равшан Комилов қўйлайди.
20.30 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мозийга бир назар».
22.05 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.20 Эълонлар.
23.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Муниса рақслари».
18.50 «Деҳқон даладан қайтди». Қишлоқ меҳнаткашлари учун ахборот-мусиқий кўрсатуви.
19.50 «Шум болалар» чойхонаси. Мусиқий кўрсатув.
20.40 — 21.50 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ III

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Жаҳон табиати».
10.20 Эълонлар.
10.25 Дэвид Компперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
10.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.05 «Кинонигоҳ».
13.45 — 13.50 Янгиликлар.

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 «Караокэ русчасига».
16.30 Эълонлар.
16.35 «Оқ қарға».

*

«ОМАД» таништиради:
17.25 Янгиликлар.
17.30 Мусиқий дастур.

*

«ОСТАНКИНО»
18.10 Луи де Фюнес «Жандарм ва юбка кийган жандармлар» комедиясида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

• Ҳажвия

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АРИЖОН АКА!

Меҳмондорчиликда беш-олти улфат ўтирибмиз. Пиёла даврада ноз билан уч-тўрт айлангач, суҳбатимиз қизиб кетди. Шу пайт кимдир:

— Ари, ари! — деб қолди.

Ҳақиқатан ҳам бир қовоқ ари дастурхон тепасида айлана бошлади.

— Салом қилиб қўй, Вали қовоқ, салом қилиб қўй! — тўрда пишиллаб хандон писта чақиб ўтирган семиз йигитга қараб улфатлар чувиллашди.

Вали қовоқ деганлари дарров қаддини ростлади.

— Ие! Арижон акамлар келиб қолибдилар-да, — деб, қўлларини кўксига қўйди. — Ассалому алайкум, Арижон ака!

— Ва-ҳа! Ва-ҳа-ҳа! — кулги кўтарилди.

Ҳеч балога тушунмай, савол назари билан атрофга қарадим.

— Валижон акангиз ана шунақа, арига ҳам салом берадиган бўлиб қолган, — мезбон менга қараб давом этди. — Учратса бас, кўчадами, автобусдами, албатта, салом беради.

— Ҳозир айтиб беради қачондан буён арига салом берадиган бўлиб қолганини, — улфатлардан бири луқма ташлади.

— Э, қўйсанг-чи, — Вали қовоқ қул силтади.

— Мана буни олволсин, — соқий унга қадаҳ узатди, — кейин айтиб беради.

У ноз қилмай қадаҳни олиб бир кўтаришда бўшатди. Менга қараб бир кулиб қўйди-да, ҳикоясини бошлади.

— Тўйим бўладиган кун эди. Каллани қўрпадан чиқариб, висол оқшомини ўйлаб ётгандим. Битта ари бурунинг тагидан «гунг» этиб учиб ўтди-ю, хаёлнинг белига тепди. Қараб турсам тарвуз пучоғига «посадка» қилди. Беш-олтита улфатларим бор денг. Энамнинг йиртиқ калишини олиб секин эзиб ўлдирмоқчи эдим, мендан эпчиллик қилди, лаънатилар! Бири қулоққа ёпишди, бири лабга. «Вой дод» деганча қолдим...

Тўй қизиган сайин баданим ҳам қизий бошлади. Лабим шишиб, бурнимга ёпишиб қолди. Қулоғим шеригига нисбатан икки баробар катталашди.

Памилдорини бўлиб бир палламини қулоққа, иккинчисини лабга босиб ўтирибман, ял-ял ёниб! Жўра суюқ билан Райим паранг кирди тиржайиб.

— Ие, қуёвбола очилиб кетибсанми, — деди бири.

— Исириқ-писириқ солвориш керак, куз тегади, — деди иккинчиси.

Памилдорининг бир палламини унисига отдим, иккинчисини бунисига.

— Бўлди, бўлди! — Жўра суюқ бетидаги памилдорини сидириб давом этди. — Тавба қилдик. Бунга памилдори эмас салярка қўйиш керак, — дарров шишни қайтаради.

— Йўқ, — Райим эътироз билдирди. — Салидол қўйган маъқул. Эгамназар шопирда бўлади, қўли очиқ йигит пақири билан беради.

Иккови эшикка юришди. Дам ўтмай консерва банкада солидол олиб келишди. Қулоғимга-ю, лабимга салидол чаплаб ташлашди. Ўтрибман энди, лов-лов ёниб! Салидолнинг фойдаси ҳам улгуржи бўлди: рангим оппоқ эди, қорачароқ йигитга айландим.

— Столга ўтиргунча қайтиб қолса керак, — дейишди жўраларим. — Ҳозир вақтни ўтказмай келинникига жўнаш керак.

— Шу ҳолатда-я! — демоқчи бўламан қани энди лабни эпақага келтириб бўлса. Тил қурғур ҳам шишиб кетганми, билмадим. Йўқ, ҳар қалай улфатларим тушунишиб менга далда беришди:

— Келинникига тун ёпиниб кирилади. Сен ичкарига киргандан кейин ҳам тунни бошингдан олмай ўтираверасан. Қуёвимиз уялчанг экан, деб қуяқолишади, обрўйинг ошади!

Уйданоқ тунни ёпиниб, келинникига жўнадик. Ҳар қалай келинникига паранжида кириб олдик. Мушкили қубба ўқилаётганда бўлди томоша. «Палончи пистончи ўғли писмадончи қизи палончихонни тан маҳрамликка қабул қилдингизми?» деб сўрар экан. «Қабул қилдим» демоқчи бўламан, қани энди бу лабни эпақага келтириб бўлса. «Қав-қав-қав!» дейман, холос. Мижгговроқ муллага рўпара келган эканмиз:

— Нима деяпти? Тушунмаяпман! — дейишини қўймайди.

Яна ўша сўзларни қайтараман, яна ўша гап. Хайрият, Райим паранг «таржимон»лигида бунисидан ҳам қутулдик.

Уйга қайтиб, ойнага қарасам қулоқ сурпадай, лаб зуваладай.

— Парво қилма, — деди Жўра суюқ. — Телпак кийиб қулоғини иягингнинг тагидан боғлаб олсан, қуринмайди. Қулоғи оғриб қолди деб қуяқоламиз.

— Жа саратонда оқ қўйлак, қора шим кийиб телпакни бошга қўндириб ўтирса ярашса керак, — Райим паранг ҳиринглади.

Телпак кийишга ҳам рози бўлиб, «лаб-чи, лаб!» дегандай оғзимга имладим.

— Ия, лабинг ҳам бор-а?! — улфатларимнинг бошлари қотиб қолди. — Тишинг ҳам оғриб қолган бўлади, — деди Жўра суюқ. — Оғзингни жун рўмол билан боғлаб қуямиз.

Зарда билан қул силтадим.

— Яхшиси бўйнига портретини осиб қуямиз, — Райим билагонлик қилди. — Қул билан расмдаги шу киши дегандай имо-ишора қилиб турамиз!

Тайёргарлигимиз битмасдан туриб келин ҳам келиб турибди-да! Гулдастани кўтариб келинни қаршилагани югурдик. Ҳар қалай қоронғу тушиб қолганди, келин ҳеч нарсани пайқамай қўлимдан тутди. Столга, ёп-ёруғ жойга ўтиришимни биламан, бошланди... Аввалига «Тўйлар муборак» жўрлигида бўлғуси қайнонамиз менга кўзи тушиб ўзидан кетиб қолди. Кейин келин. Бўлди туполон. Сув сеп, пешонасини арт, билан келинни аранг ўзига келтиришди. Яна столга қайтдик. Камига денг, расмчи келиб қолиб, дам у томондан суратга олади, дам бу томондан. Уни зўрга ҳайдаб турсак, видеотасвирчи келиб турибди. Вей, ҳеч ким қўшиқчига, ўйинчига қиё ҳам боқмайди, ҳамманинг кўзи менда. Аскиячининг кераги йўқ, ҳаммаси менга қараб кулади, холос.

Ҳай, столдан ҳам турдик. «Ойни кўрдим, кунни кўрдим, дунёга келиб сизни кўрдим», дер эксансиз чимилдиқда ойнага қараб. «Ой-ой-ой!» дейман қани энди у ёгига тил айланса. Келин қўрғур бир мартада боплаб ташлади. «Ойни кўрдим, кунни кўрдим, дунёга келиб сиз ҳўкизни кўрдим!» — деди-ю, яна ҳушидан кетди...

— Ари яна қайтиб келди! — соқий қўли билан дастурхонга имлади.

— Яна битта салом қилиб қўй! — улфатлар чувиллашди.

— Ассалому алайкум, — Вали қовоқ қўлини кўксига қўйди, — Арижон ака!

Даврада яна кулгу кўтарилди...

Саид АНВАР.

• Ҳайвонот оламида

ТУЛПОР ТОНГДА КИШНАЙДИ

— Отни бекор сотдингиз, дадаси, буни ҳали ўғлингиз билиб қолса осонликча рози бўлмас-ов. Боланинг кўнглини яримта қилиш яхши бўлмайди. У отга жуда ҳам урганиб қолган. Мактабдан келса бас. Тўғри отхонага югуради. Бир куни от емиш емай қўйганда йиғлаганини, лабларини юзига босганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳали келсин, бошлайди хархашани. Қандай қилиб отга урганиб қолган. Ҳайронман, — гина қиларди аёл эрига.

Эри кўзидаги мунгли дардларини яширишга уриниб дерди:

— Қарз ёмон, хотин. У дунёда қарзини узолмаган киши то қиёматтача тушовланган ҳолда ётар эмиш. Қарздан қутилдим. Шунисига шукр, шунисига.

Гиналар, тасаллилар тонгтача давом этди. Тонг бўзариб Зуҳро юлдузи нурсизланаётган вақтда отнинг кучли кишнаши эшитилди. Тўшакда ётган эр-хотин бирданига ташқарига отилишди. Хотин йиғларди. Эр эса ғоҳ отнинг сийнасини, ғоҳ хотинининг елкасини силарди.

Отнинг кўзлари ҳам нам эди. Керилган бурни каппа-каппа очилар, ўмрови темирчининг босқонидай бориб келарди. Бир зумлик суқунатни эрнинг гапи бузди:

— От қолади. Эртага бозорга болалик сигирни чиқарамиз...

Бу гапдан аёлнинг кўзи чақнади. Бу отнинг қорачигида акс этгандай бўлди...

Пардавой ТОЖИБОЕВ.

• Тақдир сўқмоқларида

ИНСОН ИБРАТИ

Мен Тўлқин акани 14 йилдан бери биламан. У билан гурунглашганмиз. Лекин ҳар сафар нима учун ҳассада юрасиз? — деб сўрашга ботинолмаганман, истиҳола қилганман. Бир куни бунга жўраъ этдим. — «Бу -ҳарбий сир... » — деб Тўлқин ака ҳазилга олди. Менинг эса тобора қизиқишим ортиб борарди. Ниҳоят, бир куни унинг қулфи дили очилди-ю, ҳақиқат ойдинлашгандай бўлди.

... Тўлқин ака Абдураҳмонов 1941 йил қишнинг айни чилласида пойтахтимизнинг Қизил қўприк маҳалласида таваллуд топган. У Сиддиқхўжа ака ва Маъфурахон аяларнинг оиласида иккинчи фарзанд эди. 1959 йили 119-урта мактабни тугатиб, Тошкент универсал дуконида оддий ишчи бўлиб ишлади. Орадан уч йил ўтар-ўтмас ҳарбий хизматга кетди. Севастополь шаҳрида аскарлик либосини кийиб, қасамёд қабул қилди. Сўнг ҳарбий билим юртида таҳсил олди. Сувда, сув остида сузиш машқи бўйича обдон чиниқди. Мазкур ҳарбий билим юртининг торпедочи йигитлари хизматнинг жанговар нуқталарида аскарлик бурчини ўтай бошлади...

У тугилган юрти— Ўзбекистондан жуда-жуда олисда — Шимолий флотда ҳарбий сув ости кемасида хизматни ўтаб юрган пайтда, Атлантика уммонида ўнг биқинидан яраланди. Ватан хизматидаги ўғлонларнинг қонини узоқ сарҳадларда тўкилиши, табиийки, собиқ Иттифоқ сиёсатининг тузалмас бирдан-бир жароҳати эди.

— Бу воқеа 1965 йилнинг 18 ноябрида юз берди, — дейди 1-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Тўлқин ака Абдураҳмонов. — Кузимни очсам, ҳарбий шифохонада ётибман. Шу пайтда кўпчилик мени «ўлди»га чиқариб қўйишган экан. Уч ярим ойдан кейин Тошкентдан отаонам етиб келишди, ўн беш кунлаб бошимда мижжа қоқмай ўтиришди. 2-жарроҳлик бўлими бошлиги, ҳарбий шифокор Борис Льеонидович Беляевни алоҳида эҳтиром билан эслайман. Барака топгур , чин маънодаги шифокор эди. Менинг оёққа туриб кетишимда Борис Льеонидовичнинг хизмати беқиёс бўлган. 1966 йил қўлтиқ таёқда Тошкентдаги ҳарбий госпиталга йўлланма билан келдим. Тўрт йилча шу аҳволда юрдим. Хуллас, собиқ Иттифоқ ҳарбий қисмлар таркибида хизмат қилиб, орттирганим мана шу ҳасса билан, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлди.

Тўлқин ака 1971 йили анча тетиклашиб, ишга тушиб кетди. Собир Раҳимов тумани ижтимоий-таъминот идорасида 3 ярим йил катта йўриқчи бўлиб фаолият кўрсатди. 1974 йилда эса туман соғлиқни сақлаш бўлимига ишга ўтди. Эндиликда у яна қадрдон жамоаси билан ишламоқда. Уларнинг ютуқларини ҳалол меҳнати билан бойитаяпти.

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

СУРАТДА: Тўлқин Абдураҳмонов.

Козим Ўлмасов олган сурат.

• Донолар бисотидан

ЯХШИ ФАЗИЛАТ

- Кулгидан бардамлик тугилади.
- Кулги — одамшинавандаликдир.
- Хушчаҳчаҳ одамнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам қувноқ ўтади.
- Ҳазил — катта қуч. Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам беозор кулгидек яқинлаштиролмайди.
- Кулги — бебаҳо нарса: у жонни ҳам, мол-мулкни ҳам олмайди, аммо кулги қаршисида айбдор мисоли қўлга тушган қўёндай гап.
- Фақат чўқур сахий қалб эгасигина мулойим ва ёзилиб кула олади.
- Кулганга яраша баралла кулиш ва ҳақиқатан кўпчиликнинг кулгисига лойиқ нарса устидан кулиш зарур.
- Одамнинг қувноқлиги инсоннинг буюк хислатидир.
- Яхши кулган одам — яхши одам.
- Кулги авваламбор самимийликни тақозо этади.
- Яхши кулги руҳий соғломликнинг энг аниқ белгисидир.
- Одамнинг гули ҳамиша — қувноқ одам. Разиллар камдан-кам қувноқ бўладилар.
- Уринли кулги куч-ғайрат қўзғатади.

• Адабий фельетон

«МИНГ НОЗ ЭТГАН БИЛАН...»

ёки икки шоирнинг ижодига назар ташлаб...

Ҳозирги пайтда яхши, ўқимишли китобларни топиш бироз мушкул бўлиб қолди. Бунинг турфа сабаблари бор, албатта. Тарихдан маълумки, утиш даврида моддий жиҳатдан бақувват муаллифларнинг бозори чаққон бўлган ҳамиша. Аммо бу чаққонликнинг умри жуда қисқадир. Зеро, одамлар қандай жамиятда яшамасин, ҳамиша яхши асарларга чанқоқ бўлишади. Яқинда «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилган «Қуксимдаги гуллар», «Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир» (1994) номли китобларни мутоала қилиб, таъбим тирриқ бўлди.

Шу ерда чекиниш қилиб, ўзим ҳақимда икки оғиз айтсам: менинг касбим ўқитувчи бўлишига қарамасдан танқидчилик билан ҳам шуғулланганман. Кейинги уч-тўрт йил давомида саломатлигим ёмонлашганлиги туфайли бу ишдан воз кечишга тўғри келганди. Аммо юқорида номлари зикр қилинган икки китобни ўқигач, қўлимга қалам — ҳақиқат калтагини олмасам бўлмаслигини сездим.

Муҳаббат Норбой қизи қаламига мансуб **«Қуксимдаги гуллар»** мажмуаси қирқта шеърдан ташкил топган, муаллиф ҳисобидан чоп этилган. Кейинги сўзларни ўқиб бир сесканиб тушган бўлсангиз керак. Негаки, кейинги пайтларда **муаллиф ҳисобидан** чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммаси сариқ чақага арзимайди. Келинг, яхшиси китобдаги шеърларга (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса) биргаликда назар ташлайлик.

Таърифингни мен қўйламай Комилжонинг қўйласин,
«Оқ сутингни оқладик биз, Она Ўзбекистон» деб.
«Ўзбекистон деб...» шеъридан

«Биз оқ сутингни оқладик» деб Ватанга мурожаат қилинса таъриф эмас, назаримда, ҳисобот бўлади шекилли. Муаллиф «таъриф» сўзининг маъносини тушунмаган.

Халқим, очгин дуога қўл, руҳи поклар қўлласин,
Ўзбегу қорақалпоқ дўстлиги мангу тургай.
Мен бир ожиза қизман, каму-кўстни
билмаган (?)
Тилагайман: икки улус асло азоб кўрмагай
«Мулки турон уйғонди.» шеъридан

Ҳўш, шу мисраларни сал-пал диди бор китобхон шеър деб қабул қила оладими? Бу ерда оддийгина шеър техникасига ҳам риоя қилинмаган. Ундан кейин эса учинчи мисрадаги фикр гализ. Ундан ҳеч нимани тушуниб бўлмайди. Э, дўстлар бу ҳолва. Асосийлари ҳали кейинроқда экан.

Бақираверсин сенга бўғизим ҳалқумга тўлди (???)
«Оролим-орим менинг» шеъридан.

Оббо, палакат-ей, бу нима дегани? Ўзи ўзбек бўла туриб, ўзбек тилини мукаммал билмай қўлига қалам тутган бунақа «даҳо»га нима дейсиз?

Бўғзим қулфларини очган (?) бир кеча
«Бўғзим...»
Кейинги кўз-ла юрагимни хазон тилди(?)
«Баҳор...»
Ҳикмат айтиб шайтон амрин ташладим (?)
«Яссавийга татаббу».
Мен анинг дастидан ҳар кун чекрман
обидийда (???)
«Бобораҳим Машрабга мактублар».
Мақсуданинг умрин ҳам қўшиб берсин худойим,
Расулоллоҳ аямагай сендан асло паноҳин (?)
Отам каби ҳақиқат шайдоси бўлсанг агар,
Муҳаббат аямагай дилдаги бор фидосин(??)
«Синглим Маҳфузага» шеъридан

Бунақа мисолларни ҳали жуда кўп келтираверишмумкин. Сизга ёлгон, менга рост, тўпламга кирган битиклардан битта ҳам шеър топа олмадим. Буларнинг ҳаммаси биринчи синфга ҳам бормаган, ҳали боғча остонасида юриб ўзича шеър ёзишга интилаётган ўғлакнинг «бижирлаши»га ўхшаб кетади. Йўқса, сал-пал саводи чиққан қаламкаш тилни бу даражада «пойҳон» қиларми?!

Мансур Аҳмедовнинг «Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир» китоби нашриёт ҳисобидан чоп этилган. Унинг муҳаррирларидан бири юқоридаги «кашфиёт»ларнинг муаллифи Муҳаббат Норбой қизи. Бу китобга Мансур Аҳмедовнинг 1980 йилдан бошлаб ёзган «нарса»лари киритилган. Келинг, ўн беш йиллик ижоднинг намуналарига ҳам назар ташлаб кўрайлик.

Қиёси кўп унинг, мисли(?) кўп унинг.
«Умид гули» шеъридан.
Мусаввир!
Бир дам йўқ сенга ҳам сокин (?)
(Шу шеърдан)
Бир ҳид таралмоқда ҳар бир гўшадан,
Сумалакнинг суюқ, тотли таъми-ку (??)
«Борлиқ керишмоқда»
Ногоҳ бу ҳолатдан дил жўшга (?) келар,
Эриб, эриб, эриб оқар тўпларим(?)
«Турмуш ташвишлари
Ёриларга(?) етди юрагим менинг.
«Куларнинг»
Усмон қайда энди, учар қопларим(?)
«Назир Раҳимов қўшиғи»
Шогирдлар келибди кийикдай бўзлаб(?)
(Шу шеърдан)

Кимлардир шеъриятга ёниб кириб келади ва шу ёниши билан кетади. Яна кимлардир жинчироқдек тутаб юради. Мансур Аҳмедов иккинчи тоифага мансуб. Ўн беш йилда ҳақиқий истеъдод соҳиби ўзининг шоҳ асарларни ёзиб, халқ қалбидан жой олиши мумкин. Мансур Аҳмедов эса шеъриятнинг энг жўн талабларига риоя қила олмай юрибди. Унинг «ижоди» ҳақида батафсилроқ тасаввур ҳосил қилиш учун яна мисолларга мурожаат қилайлик.

Начора эски йил оғирроқ келди,
Дард солиб кўпларнинг фикру-қалбига.
Менинг вужудимга бир титроқ келди:
Байрам баҳонаси Мангит халқига
Топ-тоза ичимлик сувлар тилайман,
Ёвга бутифосдай увлар тилайман.
Тинчлик-энг қимматли эҳсон муборак,
Бир мингу тўққиз юз тўқсон муборак!
«Янги йил мувашшаҳи»
Истайман: ҳамиша юрт бахти кулсин,
Наврўз бу, байрам бу, зўр тантана бу!
Минг тўрт юз ўнинчи ҳижрий сана бу!
«Наврўз бу...»
Бўсаларнинг қолмади таъми,
Энтикишлар кулгили бирам.
Кўришмаган қиллар мотамми? '
Йўқ, аксинча улардир байрам.
«Бўсаларнинг»
Минг ноз этган билан жувон қиз бўлмас,
Минг ойнак, азизим, битта кўз бўлмас,
Ҳаргиз, ҳар кимсанинг ўз вақтида, бас,
Бошга қўпар қори, қирови бўлсин.
«Бўлсин».
Ҳақ йўлинда кимдир «фидо ўзим!» дер,
Бизлар билан бирга баробар(?) бўлар.
«Бўлар».
Дунё-меҳмонхона, бизлар-меҳмонлар,
Ўзинпта душмандур сўнгги пушаймонлар,
Пуддир қўлнинг кири, дўстлар, ёроплар,
Миллиондан, мингдан, юздан не қолар?
«Не қолар?»
Бир сўздан қалбимни қоплагай яра,
бир сўздан кўксим тоғ,
бошим буюкдир(?)

Мисоллар... мисоллар... Бунақа мисоллар Мансур Аҳмедов ижодида, унинг мазкур китоби саҳифаларида шафтоли қоқидек ейиб қўйилган. Истаганингизча топилади. Ҳўш, шеърият нима ўзи? Кофия қилинган сўзларнинг ҳаммаси шеърми? Шеър том маънодаги ҳодиса бўлиши, кашфиёт керак эмасми? Бизнинг «ҳассос» шоиримиз эса «минг ноз этган билан жувоннинг қиз бўлмаслигини» кашф қилиш билан банд. Бунақа шеърий баёнотлар кимларга керак улардан ким манфатдор? Қолаверса нашриётдагилар бунақа бемаза нарсаларни китоб қилиб чиқаришдан ҳазар қилишлари керак. Ана шундагина биз том маънодаги Шеърият сари қадам ташлашимиз мумкин. **«Қуксимдаги гуллар», «Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир»** каби китобларни ўқиганингизда ҳали Шеърга анча масофа борлигини ўйлаб беихтиёр йиғлагингиз келиб кетади.

Йўлдош МУҲАММАД.
Қорақалпоғистон
Республикаси.

• Қонун барчага баравар

«ОИЛАВИЙ БИЗНЕС»

• Суд очерки

Тошкент вилоят судининг жиноий ишлар бўйича ҳайъати қарори билан собиқ милиция майори Э. Тхожевский хизмат мавқеини гаразли мақсадларни кўзлаб, суиистеъмол қилгани учун ўн тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Унинг гумаштаси, ашаддий текинхўр, милиция майорининг жиноий режаларини амалга оширишда фаол қатнашиб келган тошкентлик Р. Гасумов эса ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Иккала жиноятчининг мол-мулки давлатга ўтказилиб, ҳар бирига 1000 доллар миқдорида жарима солинди. Ҳукм ижро этилгунга қадар Тошкент шаҳрининг Ленинград кўчасидаги 7 хонали квартирасига ва 2 та машинасига ҳибс қўйилди. Ҳукм ижро этилгач, Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасининг ҳибсхонасидан Тошкентдаги 2 та ҳовлиси, 2 та машинаси, 2 та мотоцикли, 2 та ов милтиғи, 2 та ов ити, 2 та ов қушлари, 2 та ов ҳайвонлари, 2 та ов ҳайвонлари, 2 та ов ҳайвон